

6-10-2019

ALGORITHMIC EXERCISES AND THEIR SPECIAL FEATURES

Muqaddas Turaboeva

Lecturer at the Department of Primary Education of Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Turaboeva, Muqaddas (2019) "ALGORITHMIC EXERCISES AND THEIR SPECIAL FEATURES," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 202.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/202>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ALGORITHMIC EXERCISES AND THEIR SPECIAL FEATURES

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

АЛГОРИТМИК МАШҚ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Муқаддас Тўрабоева

Наманган давлат университети Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада бошланғич синф она тили таълимнинг самарадорлигини ошириш воситаси сифатида алгоритмик машқлар хусусида фикр юритилган. Жумладан, бошланғич синф ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантиришда алгоритмик машқларнинг аҳамияти тавсифланган.

Калит сўзлар: ўқувчи, она тили таълими, ижодий машқ, алгоритмик машқлар, мантиқий фикрлаш, дарслик, тафаккур, фаолият.

АЛГОРИТМИЧЕСКИЕ УПРАЖНЕНИЯ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

Муқаддас Турабоева

Преподаватель кафедры начального образования Наманганского государственного университета

Аннотация: Раскрывается сущность алгоритмических упражнений как средства повышения эффективности уроков родного языка начальных классов. Освещается также значения алгоритмических упражнения в формировании логического мышления у учащихся начальных классов.

Ключевые слова: Учащийся, родной язык, творческое упражнение, алгоритмические упражнения, логическое мышление, учебник, мысль, деятельность.

ALGORITHMIC EXERCISES AND THEIR SPECIAL FEATURES

Муқаддас Тўрабоева

Lecturer at the Department of Primary Education of Namangan State University

Abstract: The essence of algorithmic exercises as a method of increasing the efficacy of Russian language lessons in primary classes in addition, the importance of algorithmic exercises in forming logical thinking of primary school pupils is pointed out here.

Key words: pupil, mother tongue, creativity-requiring exercise, algorithmic exercises, logical thinking, textbook, thought, occupation.

Умумий ўрта таълим мактабларининг узлуксиз ривожланиши учун иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шарт-шароит яратилмоқда. Жумладан, ҳукуматимиз томони-дан қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатларда ўқитишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш соҳасида қатор тадбирлар белгилаб қўйилган. Хусусан, бошланғич таълимда ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, бунда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш алоҳида қайд қилинади.

Бугунги мактаб ўқувчиси жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни ўз кўзи билан кўраётган, уни ақл чархидан ўтказаётган, ҳар бир масалага ўз муносабатини билдира оладиган, дунёқараши ривожланган, фикрлаш олами кенг ўқувчидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 август) сўзлаган нутқида: “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон, эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир,” –деб қайд қилади [1]. Шундай экан, мактаб она тили, таълими олдида турган бош талаб ҳам тафаккури ривожланган, мантиқий мушоҳада юрита оладиган, эркин фикрлайдиган, фикр маҳсулини ҳар қандай шароитда бемалол баён қила оладиган шахсни тарбиялашдир. Модомики шундай экан, она тили дарслигига киритилган ҳар бир мавзу ва топшириқлар, аввало шу мақсадга қаратилмоғи зарур. Бу соҳада кейинги йилларда талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, замонавий таълим концепцияси асосланиб, давр талабларига мос дастур ва дарсликлар тузилди: билим сифатини тўғри назорат этиш мақсадида ДТСлари танланиб, жорий қилинди. Бу шубҳасиз, таълим жараёнида ўқувчилар ўзлаштиришни илмий асосда ташкил этишга замин яратди.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун янги авлод дарсликлари ва дастурларини яратиш соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, дарсликларнинг янги авлодини яратиш бўйича алоҳида талаблар ишлаб чиқилди [2]. Дарсликларнинг янги авлодини яратишда хусусан, она тили дарсликларига киритилган машқлар тизимини танлаш, танланган машқлар ўқувчиларнинг мантиқий ва мустақил фикрлашини шакллантиришга хизмат қиладиган шаклда тузиш мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланади.

Мустақил фикрлаш тил билимларни пухта эгаллаш билан узвий боғлиқ. Шундай бўлгач, ўқувчиларда мустақил ва мантиқий фикрлашни тарбиялашда она тили етакчи ўқув предмети ҳисобланади.

Тафаккур - онг маҳсули. Она тили машғулотида бажарадиган топшириқ-лар, аввало, тафаккурни чархлашга хизмат қилмоғи лозим. Ижодий тафаккури етарли даражада ривожланган ўқувчи таълим жараёндаги ҳар қандай муаммони ечишга йўл топади, ўз кучи, ақли, эгаллаган билими, малака ва кўникмаларини бартараф этишга қодир бўлади.

Узоқ йиллардан буён олиб борилаётган кузатишларимиз асосида таъкидлаш лозимки, бошланғич синф она тили дарсликларига киритилган бир қатор машқлар: қайта хотирлаш, қисман ижодий ҳамда ижодий машқлар билан бир қаторда дарсликларда ижодий машқлар сирасига кирувчи-ўқувчининг тафаккури ва мантиқий мушоҳада кўникмасини ўстиришга ёрдам берадиган машқлар ҳам ўз ифодасини топган. Бундай топшириқлар сирасига алгоритмлаштирилган машқлар-ни киритиш мумкин. Алгоритмик машқларнинг

ўқувчи фаолиятидаги аҳамияти, дарсликдаги ўрни, уларнинг номланиши ҳатто алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Умуман олганда, “машқ” ва “топшириқ” тушунчалари узоқ йиллардан бери тадқиқотчилар томонидан ўрганилишига қарамасдан, ҳалигача “топшириқ” тушунчаси баҳсталаб бўлиб қолмоқда. Шу фикрни алгоритмик машқлар хусусида ҳам айтиш мумкин.

Педагогик манбаларда “машқ” ва “топшириқ” ларнинг умумий томонлари кенг ўрганилмаган бўлса, методик тадқиқотларда машқлар таснифи, уларнинг хусусиятлари анча кенг ўрганилган. Бундай тадқиқотларда она тили дарсликларидаги фонетик, лексик, мофологик, синтактик машқларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

Она тили машғулотида “машқ”, “топшириқ” тушунчалари мужассамлаш-тирилган. Она тили дарсларида машқ тушунчасидан кенг фойдаланилади. Машқ таълимда малака ва кўникмалар ҳосил қилишда муҳим ўрин тутаяди. Машқнинг самарали бўлиши учун унга онгли равишда ёндашиши, шу жараёни бажаришда мавжуд ҳолатни ҳисобга олиш, йўл қўйилган хато, камчиликларни аниқлаш ва уларни тузатиш йўллари билиши керак.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да мазкур тушунча қуйидагича изоҳланган: 1. Машқ – ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун қилинадиган иш, тайёргарлик машғулотидир. 2. Малакаларни такомиллаштириш машғулоти учун белгиланган вазифа, - деб кўрсатилади [3]. Бизнингча, “машқ” тушунчаси кенг тушунча бўлиб, у нафақат эгалланган билим, малака, кўникмаларни ўзлаштириш мақсадида бажариладиган амалий ишларни балки ўқувчига қисман таниш ёки умуман нотаниш билимларни эгаллаш уни малака ва кўникмага айлантириш мақсадида амалга оширилган ишларни ўз ичига қамраб олади. “Машқ” тушунчасини айрим методист олимлар (Г.Азизов) ўқув топшириғининг бир шакли сифатида қарашса, иккинчи гуруҳ олимлар (Ё.Фулмонов, Ҳ. Рустамов, И. Абдуллаев) уни ўқитиш методи сифатида талқин этадилар.

Модомики, машқ мазмун ва фаолиятнинг йиғиндисидан иборат экан, демак, унга бериладиган таъриф ҳам бир ёқлама бўлмаслиги керак. Бизнингча машқ она тили фанидан ўқувчилар эгаллаган билим малака, кўникмалар йиғиндиси ҳамда бажариш, эгаллаш усулини ўз ичига олган яхлит тушунчадир.

“Топшириқ” тушунчаси қадимий тушунчалардан бўлиб, инсоният тарихида узоқ даврлардан бери қўлланилади. Одамлар узоқ ўтмишда ҳам ўзлари тўплаган бой тажрибани ёш авлодга бериш учун топшириқлардан фойдаланишган. Топшириқ машқнинг муҳим бир бўлагидир. Топшириқ, асосан, машқнинг шартида ўз ифодасини топади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “топшириқ” ва “машқ”, тушунчасига қараганда нисбатан тор маънони ифодалайди.

Методикада машқнинг шартини белгилашда икки хил усул мавжуд: биринчиси узоқ йиллардан буён амалиётда қўлланилаётган анъанавий усул бўлиб, топшириқда машқнинг шарти берилади. Масалан, амалдаги барча она тили дарсларида машқлардаги топшириқлар шу тартибда берилган. Иккинчи усул янги ноанъанавий бўлиб, топшириқ машқ таркибида босқичма-босқичли кетма-кетлик асосида берилади.

А.Ғуломов ўзининг илмий изланишларида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини фаоллаштириш ҳамда ўқув-билув топшириқларининг ўзига хос қирраларини таҳлил қилган бўлса, методист олим Н. Шукруллаев эса умумий ўрта таълим мактабларида қўшма гапларни ўқитиш жараёнида алгоритмик машқлардан фойдаланиш методикаси юзасидан изланишлар олиб борилган.

Таҳлиллардан маълум бўладики, бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тизими муаммосини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш психологик, педагогик ва методик асосга эга. Шунингдек, бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар муаммосининг ҳалигача назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилмаган жабҳалари анча топилади: бошланғич синфларда алгоритмик машқлардан фойдаланишнинг мақсади, вазифалари ва имкониятлари ҳалигача таҳлил қилиниб, яхлит ҳолда ўрганилмаган; алгоритмик машқлар устида ишлаш технологияси асосланмаган; бошланғич синф ўқувчиларининг билиш имкониятларига мос алгоритмик машқлар тизими ишлаб чиқилмаганлиги; бошланғич синф она тили таълими мазмунига мувофиқ алгоритмик машқларнинг самарадорлиги назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил қилинмаган. Ҳозирги вақтга қадар мутахассислар орасида алгоритмик машқларни таснифлашда айрим номутаносибликка йўл қўйиш ҳоллари кузатилади. Яъни, алгоритмик машқлар фақат кроссворд ва ребусдан иборат эканлиги.

Она тили таълими жараёнида ижодий ва алгоритмик машқларни ўзаро чегаралаш имкониятлари мавжудми? Репродуктив характердаги алгоритмик машқларнинг афзаллиги нимада? Бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тизими муаммоси кун тартибига қўйилар экан, бу каби саволларга асосланиши нуқтаи назаридан шарҳланиши зарур. Шундай экан, болалар мактабга келган кунидан бошлаб, уларда тафаккур элементларини шакллантириш, мушоҳада юритишга ўргатиш замонавий таълимнинг долзарб масалаларидан бири саналади. Бу муаммони ҳал этиш эса бошланғич синфлардан амалга оширилиши лозим.

Бошланғич синфларда она тили етакчи ўқув предмети эканлигини ҳеч ким инкор этмаса керак. Негаки, таълимни ташкил этиш жараёни бевосита саводли, ўқий оладиган болалар билан осон кечишини ҳамма билади.

Она тили таълимини мақсадга мувофиқ ташкил этиш бўйича ўқув дастурида берилган қуйидаги қоидалар билан бир қаторда: бошланғич синфлар она тили таълими ўқувчиларда нутқ фаолиятининг асосий турларини ўстириш :

- ўқувчиларда ахлоқий ва эстетик тасаввурларни шакллантириш, атроф-муҳит, шахс, табиат ва жамият ҳақида тушунча бериш;

- ўқувчиларда нафосат ҳиссини тарбиялаш ҳамда мантиқий тафаккур юритишга ўргатиш;

- ўқувчиларда ўқиш, ўқиганларини равон гапириш ва ёзишга ўргатишдан ўз ифодасини топиши керак.

Маълумки, илм-фан йўлидаги изланиш инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашини шакллантиради, маънавий –ахлоқий камолот сари етаклайди.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг она тилини ўзлаштириш имкониятлари анча чегараланган бўлади. Улар тил ҳодисаларини ўзлаштириш учун ўта муҳим бўлган ақлий фаолият усуллари: таҳлил қилиш, кузатиш, таққослаш, гуруҳлаш, бирлаштириш, умумлаштириш сингарилардан унумли фойдалана олмайдилар. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларда аниқ нарсаларни тез идрок этиш, аниқ нарсалар хусусида фикрлай олиш кўникмасининг шаклланганлигидадир. Ақлий фаолиятнинг бу муҳим усулига таян-май туриб, тил ҳодисаларини ўзлаштириб бўлмайди. Кузатиш орқали ўқувчи тил ҳодисаларини бирма-бир ақлий фаолият орқали синовдан ўтказди, улар ҳақида ўйлайди ва шу асосда муайян умумлашмалар ҳосил қилинади.

Маълумки, бугунги таълим жараёнининг асосий мақсади ўқувчининг микросоциумда муносиб ўрин топишга тайёрлашдан иборат. Аммо шунга қарамасдан, мактаб ўқитувчилари орасида “машқ” ва “топширик”, “ижодий машқ” ва “алгоритмик машқ”лар ўртасидаги тафовутларни ажратишда айрим камчилик-ларга йўл қўяётгани сир эмас. Шундан бўлса керак, ўқувчиларга бериладиган топшириқларнинг хусусиятлари тўла очиқ берилмайди. Бундай мураккаб ҳолатнинг олдини олиш йўлларида бири “машқ”ларнинг ўзига хос хусусиятларини тўғри чегаралай билиш, машқларнинг ҳар бирининг аломатларини алоҳида-алоҳида ажратиш кўрсатишдир. Яна бир мунозарали муаммо ижодий машқ ва алгоритмик машқни бир-биридан фарқлаш масаласидир. Бу иккала машқнинг фарқланишини аниқ чегараламасдан туриб. Алгоритмик машқлар устида ишлаш ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шундай экан, ўқувчиларнинг тафаккури билан билиш фаолияти хусусиятларини тизимли таҳлил қилишни тақазо қилади. Билиш фаолияти фақат тафаккурнинг ишими ёки билиш жараёнларида хотира ҳам иштирок этадими? Иштирок этади. Демак, бошланғич синфларда она тили таълимида алгоритмик машқлар устида ишлаш ўта мураккаб методик ҳодиса саналади.

Фаннинг тадрижий тараққиётида алгоритмлаштирилган таълим муаммосини ўрганиш дидактикадан методика соҳасига кўча бошлади. Натижада

дидактика ва методика соҳасида илмий изланишлар ўтказилди. Алгоритмлаштирилган таълим-нинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқув материали турли алгоритмларга ажратилади.

“Алгоритм” атамасига Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида шундай таъриф берилган: “Алгоритм” тушунчаси кибернетика фанига хос бўлиб, унга маълум турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган омиларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақида аниқ қоидага таянган ҳолда ҳамда она тили таълимнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, шундай муаллифлик таърифини берамиз: ўқувчининг тафаккурига мўлжалланган кетма-кетлик асосида турли конституцияларни бирлаштиришга мўлжалланган жараён” [4].

Фикримизга алгоритмлаштирилган таълим хусусиятидан келиб чиқиб, ойдинлик киритсак мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан, алгоритмлаштирилган таълим аввало, ўқувчининг тафаккурига мўлжаллаб ташкил қилинади. Алгоритмлаштирилган таълимда ўқувчи фаол иштирок этади. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти қуйидагича амалга оширилади: ўқитувчи томонидан тузилган саволлар турли алгоритм кўринишига келтирилади, алгоритмлар муаммо кўринишида ўқувчиларга берилади

- ўқувчиларга берилган вазифалар юзасидан ўз фикрини баён этиш муаммони ечиш йўллари таклиф этилади ;

-ўқитувчи ўқувчиларга берилган муаммонинг тўғри ечимини танлашни сўрайди;

-ўқувчилар айтилган фикрларга таянган ҳолда хулоса чиқаришга ҳаракат қилади;

-ўқитувчи болалар билан чиқарилган хулосани муҳокама қилади;

-ўқитувчи чиқарилган хулосани тўлдирди, изоҳлайди, бойитади; ўқитувчи чиқарилган хулосани турли ўқув ҳолатларига татбиқ этишни таклиф этади. Юқорида келтирилган босқичлар асосида алгоритмлаштирилган таълим амал қилади.

Ўз - ўздан аён бўладики, бошланғич синф она тили таълимида алгоритмик машқлар тасодиф туфайли пайдо бўлган эмас. Чунончи, бугунги кунда бошланғич синф она тили дарсликларидан берилган алгоритм кўринишидаги машқлар ниҳоятда кўп бўлиб, уларни ишлаш йўллари ҳам бир- биридан фарқ қилади.

Она тили таълими жараёнида ўқувчи зарурий билим, малака ва кўникмаларни топшириқ орқали эгаллайди. Топшириқ орқали тил ҳодисалари кузатилади, қиёсланади, ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланади, муайян белгиларига қараб гуруҳланади.

References

1. Karimov I.A. Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. Barkamol avlod orzusi – T. : SHarq, 1999. – 8-30 betlar.
2. Safarova R. Rixsieva M. Umumiy yʻrta tahlim maktablari darsliklarining yangi avlodiga qʻyuladigan talablar. –T.: 2001. – 28 b.
3. O‘zbek tilining izoqli luʻfati. 2 tomlik. –M.: Rus lit. 1981. t.1. - 631 b. t.2.-715 b.
4. O‘zbekiston Milliy entsiklopediyasi. “O‘zbekiston Milliy entsiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 1-tom. Toshkent. 2000. – 735 b.